
Ўзбекистон туманида 3 нафар фарзандлар она тарбиясига олиб берилди

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон туман бўлими иш юритувида бўлган ижро ҳужжати бўйича Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 03.08.2022 йилдаги ижро варақасига асосан, вояга етмаган 2014 йилда туғилган С.Қ. (қизи), 2015 йилда туғилган С.Ж. (қизи), 2019 йилда туғилган С.Ж. (ўғли), жавобгарлар (отаси) Ё.А., (бобоси) Ё.С. ва (бувиси) Ё.С. тарбиясидан даъвогар (онаси) Ё.М. тарбиясига олиб бериш белгиланган.

Мазкур ижро ҳужжати юзасидан МИБнинг Ўзбекистон тумани бўлими ходимлари томонидан ижро ҳаракатларини амалга ошириш мақсадида тарафларга ихтиёрий муддат берилиб, огоҳлантирилган.

07.09.2022 йил куни олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида жавобгарларга қонунда кўрсатилган бурч ва мажбуриятларини тушунтирилиши натижасида, 3 нафар вояга етмаган фарзандлар она тарбиясига олиб берилди ва ижро иши амалда тамомланди.

2022-09-08 18:45:34